

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «27» 6

2022-191-7-99-ХТ-сон

Нуробод ш.

Бундан буён “БҮЮРТМАЧИ” деб аталувчи Нуробод тумани Халк таълими бўлими номидан О.Жангиров бир томондан ва бундан буён “ПУДРАТЧИ” деб аталувчи “STROY QO'RG'ON BIZNES” МЧЖ номидан М.Увайтов ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ:

Ушбу шартнома бўйича “Буюртмачи” пудрат ишларини қабул қилиш ва тўлаш, “Пудратчи” эса буюрмачининг буюртмаси бўйича қўйидаги пудрат ишларини бажариш мажбуриятини олади:

№	Ишнинг номи	Шартноманинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	14.06.2022 йилда берилган №04780 лотга асосан 63-мактаб филиалини жорий таъмирлаш	251455000
	Жами:	251455000

1.1. Шартноманинг умумий суммаси **251455000 (Икки юз эллик бир миллион тўрт юз эллик беш минг)** сўмни ташқил қилади

1.2. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: «24» июн 2022 й. Тугаши: «24» август 2022 й.

Батафсил баёни

1	Нуксон далолатнома, смета хужжатларига асосан мактаб биносини жорий таъмирлаш
---	---

Алоҳида шартлар

1	Бажариладиган ишлари сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилиши шарт, бажарилган иш мутахассислар томонидан текшириб олинади
---	---

2. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ:

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани Ғазначилик бўлинимасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни жорий таъмирлаш ишлари бажарилгандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, бажарилган ишлар далолатномаси Форма-2 асосида тўлайди.

2.2. Шартнома нархи электрон савдо натижаси бўйича белгиланади ва ўзгартирилмайди, Шартномага қўшимча келишув тузиладиган ҳоллар бундан мустасно.

2.3. Ишлар якунлангандан кейин “Хизмат курсатувчи”, “Буюртмачига” бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномани тақдим этади.

2.4. “Буюртмачи” далолатнома ва унга илова қилинган бошқа хужжатларни олгандан кейин 20 банк иш куни ичида имзоланган далолатномани ёки ишларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиш хатини “Хизмат курсатувчи”га юбориш мажбуриятини олади.

2.5. Рад қилинган ҳолатда, ишларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиниши юзасидан камчиликларни бартараф этиш рўйхати ва муддати бўйича тамонлар ўртасида далолатнома тузилади.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ:

3.1. Мазкур шартнома белгиланган тартибда шартнома талаблари ва шартларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.2. Шартнома шартларини бажарилишини бир томонлама рад қилиш ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

3.3. Тамонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижроси таъминланган тақдирда Шартнома бажарилган ҳисобланади.

3.4. Буюртмачининг розилиги билан пудрат ишлари муддатидан олдин бажарилиши мумкин.

3.5. Хизмат ишлари бевосита Буюртмачининг маъсул ходимлари томонидан ишлар ҳажми ва уларнинг сифати кўрсатиладиган далолатнома бўйича қабул қилинади.
Кўриб чиққан юрист: TILAVOV FAXRIDIN UMAROVICH. Хужжат рақами: ХЈ1751212112

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ:

4.1. Буюртмачи;

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги

- савдолар қолиби бўлган етказиб берувчи билан шартнома тузиш ёки савдолар қолиби бўлган етказиб берувчи билан Шартнома тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўртасидаги Шартнома мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.1.1. Ишларни бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда “Бажарувчи” “Буюртмачи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий сўммаси бажарилмаган “Ишлар” қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва “Ишлар” бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

4.1.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи хизмат курсатувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди

Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи хизмат курсатувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.2. ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ:

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги;

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

- Агар бажарилган ишлар сифати, стандартлар, техник шартлар, қонун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, пудратчидан сифати лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган ишлар бажарганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.3. “ПУДРАТЧИ” ҚЎЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА:

4.3.1. Кўрсатилган “Хизматлар” учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш;

4.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган “Хизматлар”ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ:

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ўзаро ҳал этишга эришмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва “Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунларига асосан бевосита Иқтисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иктисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодий судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР:

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февридаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

7. БОШҚА ШАРТЛАР:

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ:

8.1. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларидан мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кирилади ва 2022 йил “31” декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда Шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

«Буюртмачи»

"STROY QO'RG'ON BIZNES" МЧЖ

Манзил: Самарканд вил. Каттақургон шаҳар

Тел./факс

х/в 20208000600864710001

Банк номи: Каттақургон ш., АТ Саноат-

Курилиш банк Каттақургон ф.

МФО: 00316 СТИР 305455269

ОКОНХ:

Раҳбар



М. Увайтов.

Нуробод туман Халқ таълими бўлими

Манзил Самарканд вил. Нуробод тумани

Тел.факс 633-12-63

х/в 100022860182357092100075089

Банк номи: Марказий Банк ХКМ Тошкент ш.

МФО 00014 СТИР 200779970

ОКОНХ 97600

Раҳбар



О. Жангиров.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY**

X U L O S A

1. Loyi haning turi: Shartnoma.

2. Loyi haning nomi: "STROY QO'RG'ON BIZNES" ma'suliyati cheklangan jamiyati tomonidan 63-maktabida 251.455.000 (Ikki yuz ellik bir million turt yuz ellik besh ming) so'mlik ta'mirlash ishlarini bajarish to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Nurobod tuman Xalq ta'limi bo'limi tomonidan, 23.06.2022 yilda tuman YuXKMga huquqiy ekspertiza xulosasi uchun kiritilgan.

Loyiha O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi va "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunni hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil 23 iyun

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi
bosh yuriskonsulti**



F.Tilavov